

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАИМОВА САЙЁРА ЗАИТОВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ДИНИЙ-  
МАЪРИФИЙ МАВЗУНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по филологическим  
наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Philological  
sciences**

**Раимова Сайёра Заитовна**

Мустақиллик даври ўзбек шеърисида диний-маърифий мавзунинг  
бадий талқини..... 3

**Раимова Сайёра Заитовна**

Художественная интерпретация религиозно-просветительской темы в  
узбекской поэзии в годы независимости..... 24

**Raimova Saiyora Zaitovna**

Artistic interpretation of religious-enlightenment issues of Uzbek poetry in  
the period of independence ..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 50

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАИМОВА САЙЁРА ЗАИТОВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ДИНИЙ-  
МАЪРИФИЙ МАВЗУНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil 1108 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Баходир Нурметович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шодмонов Нафас Намозович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Давлатова Адиба Рахматовна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
инститuti**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "11" <sup>09</sup> соат <sup>12</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)); e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (844 ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44. ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил "1" "11" кuni таркатилди.  
(2021 йил "1" "11" 2 -ракамли реестр баённомаси).



**Ш.С.Сирожидинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.У.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**У. Ҳ. Жўрақулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида миллий адабиётнинг шаклланишида унинг диндан озикланганлиги, ўзаро уйғунлиги борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Хусусан, Шарқ адабиёти тарихида диний-тасаввуфий тушунчалар билан бадий адабиётнинг интеграциялашуви, яъни Қуръони карим ва ҳадиси шариф таъсири натижасида умуминсоний ғоялар ва ахлоқий концепциялар акс этган асарларнинг барча қирраларини комплекс текшириш долзарб масалалардан бири саналади.

Дунё адабиётининг сара бадий обидалари илғор тажрибалари ва ютуқларининг ижодий ўзлаштирилиши миллий адабиёт, хусусан, шеъриятдаги поэтик шакллар ва ижодкор ифода йўсинидаги турфа хилликнинг вужудга келишига замин яратди. Дунё халқлари адабиётининг бадий-ижодий тажрибалари, турли йўналиш ва оқимдаги шеърий жанр ҳамда поэтик шакллар бадий тафаккурда эврилишлар ясади; уни янги мазмун билан бойитди. Ижод аҳлига ўзига хос миллий поэтик тафаккурини ифода этишнинг янги имкониятларини яратиб берди. Адабиёт ҳаётнинг инъикоси сифатида эътироф этилар экан, шу маънода янги давр – мустақиллик даври ўзбек адабиётида ҳам мумтоз ўзбек адабиёти анъаналарини ўзида мужассам этган диний-маърифий мавзуларнинг бадий талқини майдонга келди.

Мустақиллик даврида яратилган диний-маърифий мавзу такомилли, умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этган ижод намуналарини ўрганиш, бугунги адабиётшунослик соҳасининг долзарб масалаларидан биридир. Истиқлол адабиётидаги диний-маърифий шеъриятда акс этган ҳадиси шарифларни бадий мақсадда қўллаш йўл-йўриқларини тадқиқ этиш диссертация мавзусининг долзарблигини таъминлайди. “Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан замонавий ўзбек шеъриятидаги диний-маърифий мавзуда ёзилган шеърларга герменевтик, фалсафий, қиёсий-типологик, функционал таҳлил йўналишлари орқали баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Инчунин, миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан бири бўлган комил инсон ғоясини камол топтиришда диний-маърифий мавзунинг бадий талқинини илмий-назарий жихатдан ўрганиш заруратга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2020 йил 2 декабрдаги ПҚ-4906-сон “Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика Фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилиш даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида ислом динининг адабиётга таъсири масаласида бир қанча ишлар амалга оширилган. Хусусан, А. Мец, Ж. Нурбахш, И. Гарин А. Куделин, Р. Никольсон, И. Крачковский каби олимларнинг асарларида ушбу мавзу юзасидан назарий фикрлар ва муаммолар қайд этилган<sup>2</sup>.

Диний-маърифий мавзудаги шеърлар мазмун-моҳиятига, унинг минг йиллик анъананинг давоми ва алоҳида йўналиш сифатидаги такомиллига, ўзига хос хусусиятлари тадқиқига мустақилликнинг дастлабки йилларидан бугунги кунга қадар ўзбек адабиётшунослари томонидан эътибор қаратилиб келинмоқда. Ушбу мавзуга Ҳамидулла Кароматов, Шухрат Сирожиддинов, Рашид Зоҳидов, Акрамжон Деҳқонов, Маърифат Ражабова, Олим Давлатов, Баҳром Жалилов каби олимлар мумтоз адабиётимиз намуналари асосида ёндашган бўлса, унинг замонавий адабиётдаги ривожига Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Нўмон Раҳимжонов, Ҳакимжон Каримов, Сувон Мелиев, Баҳодир Каримов, Нурбой Жабборов, Узок Жўрақулов, Тоҳир Шермуродов каби қатор олимларнинг махсус тадқиқотлари ва мақолаларида атрофлича муносабат билдирилган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: Наука, 1973; Нурбахш Дж. Иисус глазами суфиев. – М.: Мистика, 2002; Гарин И. Пророки и поэты. – М.: Терра, 1992; Куделин А. Арабская литература: поэтика, стилистика, взаимосвязи. – М.: Языки славянской культуры, 2003; Nikolson R.F. Literary History of the Arabs. – London, 1903; Крачковский И. Арабская поэтика в IX веке / Изб. Соч. – М. – Л.: Академия наук, 1956-1960. Т. II.

<sup>3</sup> Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993; Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари / Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011; Зоҳидов Р. “Саботул ожизин” асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2018; Деҳқонов А. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди: Фил. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2007; Ражабова М. Алишер Навоий “Назм ул-жавоҳир” асарининг манбалари ва бадиияти: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Самарқанд, 2006; Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини: Филол. фан. ... фалс. док. дисс... автореф. – Самарқанд, 2017; Жалилов Б. Диний-маърифий мавзуларнинг бадиий адабиётдаги талқини. – Тошкент, 2010; Шарафиддинов О. Адабиётда диний оҳанглар // Танланган асарлар. – Тошкент: Shaq, 2019; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000; Раҳимжонов Н.

Энг аввало, Абдулла Орипов ижоди юзасидан дастлабки тадқиқотларни олиб борган адабиётшунослар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, академик Матёқуб Қўшжонов, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, адабиётшунос Сувон Мели каби олимларни алоҳида тилга олиб ўтиш лозим<sup>4</sup>. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Я. Қосимов, Б. Алиев, И.Тўлаков, Ж.Жумабоева, Н. Афоқова, Г. Эрназарова, А. Ҳамдамов, Г. Ашуровларнинг илмий ишларида шоир шеърятини ва бадиий маҳорати турли ракурсларда ўрганилгани билан аҳамиятлидир<sup>5</sup>. Бироқ бу ишларда Абдулла Орипов ва бошқа шоирларнинг диний-маърифий мавзудаги туркум шеърлари махсус тадқиқ этилмаган.

2020 йил 25 ноябрда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига “Абдулла Орипов ижодининг илмий-маърифий аҳамияти” мавзудаги республика илмий-назарий конференция ўтказилди. Жорий йилда Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги республика миқёсида кенг нишонланмоқда. Сана муносабати билан турли халқаро ва республика илмий-назарий анжуманлари ўтказилди ва анжуман материаллари чоп қилинди. Бу тўпламларда таниқли адабиётшунос ва ёш илмий изланувчиларнинг Абдулла Орипов ижодий меросига доир тадқиқотлари жамланган.

Истеъдодли шоир Аъзам Ўктам ижоди юзасидан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари (раҳимахуллоҳ), Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддинов, Нуриддин Шукуров, Ҳотам Умуров, Қурдош Қаҳрамонов, Дилмурод Қурононов, Баҳодир Каримов, Узок Жўрақуловларнинг<sup>6</sup> илмий-тадқиқий мақолаларини эслаш ўринлидир.

---

Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Тошкент: Фан, 2007; Сувон Мели. Рух қушимиз омонми? // “Халқ сўзи” газетаси, 1993 йил, март; Каримов Ҳ. Ислоҳ асотирлари ва ғояларининг бадиий талқини // Истиқлол даври адабиёти. – Тошкент: Yangi nashr, 2010; Каримов Б. Моҳиятга элтувчи йўл // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2018 йил 1 сентябрь. Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016; Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Ғ.Ғуллом, 2015; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2015; Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

<sup>4</sup> Шарафиддинов О. Шеърят – қалб ёлқини // Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент, 1983; Қўшжонов М. Онажоним, шеърят. Тошкент, 1984; Ғафуров И. Шеърят-изланиш, курашчанлик демакдир. – Тошкент, 1984; Қўшжонов М., Сувон Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000.

<sup>5</sup> Қосимов Я. Ўзбек шеърятинида поэтик фикрнинг янгилиниши: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1991; Алиев Б. Ҳозирги ўзбек шеърятинида психологизм проблемаси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1994; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1994; Жумабоева Ж. хх аср ўзбек шеърятинида психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1999; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1997; Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеърятинида бадиий бутунлик: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1998; Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеърятининг медитатив табиати: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2020; Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърятинида анъана ва бадиий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир): Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2008; Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърятинида халқона поэтик тафаккур муаммоси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2011.

<sup>6</sup> Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Аъзам Ўктамни хотирлаб // А.Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014; Шарафиддинов О. Аъзам Ўктамни хотирлаб // “Аъзам Ўктам бадиий маҳорати” мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн анжумани материаллари // Андижон, 2020. – Б.32; Шукуров Н. Шеър-дил рози // Ўша манба. – Б.205-211; Умуров Ҳ. Аъзам шоирнинг исёнкор қалби. Ўша манба. – Б.211-222; Қурононов Д. Аъзам Ўктам шеърятини ҳақида айрим қайдлар // Ўша манба. – Б.223-230; Қаҳрамонов Қ. Аъзам Ўктамнинг бадиий олами // Ўша манба. – Б.231-239; Каримов Б. Аъзам шоирнинг

2020 йилда Аъзам Ўктам таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан Андижон давлат университетида “Аъзам Ўктам бадий маҳорати” мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн анжумани ўтказилди. Масъуллар томонидан ушбу конференция материалларига олимларнинг янги тадқиқотлари билан бир қаторда шоир ижодига турли йилларда берилган баҳо сифатидаги адабий-танқидий мақолалари ҳам киритилган.

Бироқ юқорида таъкидлаган ишларда шоирларнинг айнан диний-маърифий мавзудаги шеърларини ўрганиш мақсади қўйилмаган эди. Шу боис биз диний-маърифий мавзу муаммосини танладик.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ҳозирги адабий жараён масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** диний-маърифий мавзудаги шеърларнинг таҳлили орқали мустақиллик даври ўзбек адабиётига хос хусусиятларни очиб бериш ҳамда давр ижодкорлари дунёқарашидаги ижтимоий-фалсафий фикр оқимини адабиётшунослик нуқтаи назаридан илмий-назарий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий арбаъинларда ҳадиси шарифларнинг бадий талқини масаласини қиёсий-типологик усулда очиб бериш;

диний-маърифий мавзудаги асарларга адабиётшунос олимлар муносабатини таҳлил қилиш;

ўзбек мумтоз адабиётидаги арбаъинчилик анъанасининг замонавий ўзбек шеърлятидаги ифодасини текшириш;

ҳозирги ўзбек шеърлятидаги арбаъин жанрининг замонавий ривож масалаларига эътибор қаратиш ва ойдинлик киритиш;

ирфоний руҳдаги ижод намуналарида қўлланган бадий санъатлар воситасида ҳадис маънолари сингдирилган шеърлар бадииятини тадқиқ этиш;

адабий дунёқарашда ўзига хос эврилишлар юз берган шоирларнинг поэтик маҳоратини очиб бериш;

диний-маърифий мавзунинг бадий талқинида ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос индивидуал бадий маҳоратини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари”(1992) туркуми, Фозил Зоҳиднинг “Сабр гули” (2013), Шукур Қурбоннинг “Ҳикматлар анжумани” (2016), Сирожиддин Саййиднинг “Сўз йўли // Яхшилик эскирмагай. Қирқ ҳадис” (2008) ва Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” (1998) асарлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Мустақиллик даври ўзбек шеърлятида диний-маърифий мавзудаги шеърларни қиёсан ўрганиш, шоирларнинг

---

Ўктам овози // Рухият алифбоси. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.128-140. Жўрақулов У. Аъзам Ўктам шеърлятининг уч асоси // Ўша манба. – Б.255-261.



бадий маҳорати ва ўзига хос поэтик тафаккур тарзини ёритиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда герменевтик, функционал, фалсафий, қиёсий-тарихий ҳамда типологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даври ўзбек шеъриятида диний-маърифий мавзунинг бадий талқини мавжуд мезонлар ўлчовида асосланиб, диний-маърифий мавзу такомилида Қуръон ва ҳадис таъсирида яратилган шеърлардаги исломий ғояларнинг ўрни, хусусан, арбаъин анъанаси ривожидан давр шоирлари ижоди мисолида далилланган;

истиклол даври ўзбек шеъриятидаги диний-маърифий йўналишнинг вужудга келишида муҳим ўрин тутган ижодкорлар поэтик олами кашф этилиб, шу давр шеъриятининг асосий тамойил ва хусусиятлари давр шоирлари ижоди мисолида аниқланиб, улар ижодининг XX аср охири – XXI аср боши ўзбек адабиётига, хусусан, шеъриятига кўрсатган адабий таъсири масаласи асосланган;

бу давр ижодкорлари асарларининг китобхон, қолаверса, миллат маънавиятига таъсири функционал жиҳатдан маънавий восита эканлиги асослаб берилган ва бу шоирлар ижоди адабиётнинг ажралмас узвий қисми эканлиги исботланган;

диний-маърифий йўналишда ижод қилган шоирларнинг бадий санъатларни қўллашдаги сўз санъатига нисбатан моҳирлиги ва санъаткорлиги сингари услубий ўзига хосликлари очиқ берилган ва сўз қўллаш маҳоратидаги нозик қирраларига урғу берилиб, матн сатҳидаги бадийлик мезонлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари илмий жамоатчиликни замонавий арбаъин жанри ривожидан таништиради, хусусан, диний-маърифий мавзудаги ижод намуналари биринчи марта асосий манба сифатида киритилган;

диний маърифий мавзу такомилида ижодкорлар бадий маҳорати юксалишида адабий анъананинг таъсири аниқланиб, ўзига хослик мезонлари кўрсатиб берилган;

фойдаланилган шеърий жанрларнинг деярли барчаси таҳлилга тортилиб, улардаги шоир маҳорати очиқ берилган, мавзу ва ғоя жиҳатдан тизимлаштирилган;

давр ижодкорларининг арбаъин жанрини пухта ўзлаштириш маҳорати ёритилиб, ижодкорлар қўллаган бадий санъатлар хусусиятлари кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Хориж ва республика миқёсида илмий журналларда чоп этилган тадқиқотлар, ўтказилган илмий-амалий, назарий конференцияларда ўқилган маърузалар, чоп этилган тезис ва мақолалар ҳамда объектга илмий ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, объект сифатида олинган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга

татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий ўзбек диний-маърифий шеъриятининг асосий тамойил ва хусусиятлари аниқлангани, истиқлол даври шеърияти манзарасини белгилайдиган ижодкорларнинг маҳорати очиб берилганлиги, туркий ва форсий шеърият анъаналарининг замонавий ўзбек адабиётига таъсири, ижодкорларнинг арбаъин жанри тараққиётидаги ўрни, давр ижодкорларининг бадий маҳоратини ўрганиш борасидаги кузатишлар замонавий ўзбек адабиёти, хусусан, шеърияти тарихини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан олий таълим муассасалари учун “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараён”, “Ҳозирги адабий жараён ва янги ўзбек адабиёти”, “Янги давр ўзбек адабиёти” каби дарслик ва қўлланмалар яратиш, маъруза, амалий ҳамда семинар машғулотлари ўтишда, магистрлик диссертациялари ёзишда, маънавият асосларига доир маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Арбаъинчилик анъаналарининг замонавий адабиётдаги диний-маърифий шеъриятга кўрсатган таъсири масалалари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

истиқлол даври шеъриятидаги диний-маърифий йўналиш, хусусан, арбаъинчилик анъанасини ёритишда, давр адабиёти ва адабиётшунослигининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш ҳамда адабий муҳитга баҳо бериш, арбаъинчилик анъаналарининг замонавий адабиётдаги диний-маърифий шеъриятга кўрсатган таъсири масалаларига доир илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 9 августдаги 17.01/175-сон маълумотномаси). Натижада, истиқлол даври адабиётида миллий ўзликка қайтиш таъсирида диний-маърифий йўналишдаги шеъриятнинг вужудга келганлигини далиллашга замин бўлиб хизмат қилган;

ислом дини ва унинг бадий адабиётга таъсири, Шарқ адабиётидаги салафлар адабий анъаналарининг замонавий адабиётда давом этганлиги ҳамда ўзбек ва қорақалпоқ адабиётига кўрсатган таъсири борасидаги илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 9 августдаги 17.01/175-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари адабиётининг миллий ўзанларига қайтиб, исломий адабиётдан озик олган янги мустақиллик даври адабиёти ва шеърияти вужудга келгани ҳақидаги янги хулосаларга келишга хизмат қилган;

истиклол даври шеърляти масалалари, айнан ирфоний рухдаги шеърлар тахлили ва талқини борасидаги муаммолар, бугунги адабиётшуносликдаги диний-маърифий шеърларнинг тахлиliga оид илмий маълумотлардан Сурхондарё телерадиокомпаниясининг “Бир асар шарҳи”, “Унутилмас сиймолар” кўрсатувларида фойдаланилган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2021 йил 26 июлдаги 01-01/79-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувларнинг қизиқарли ва жонли бўлиши, замонавий ўзбек адабиёти, хусусан, шеърлятида диний-маърифий мавзунинг кенг ёритилишига асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 16 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 2 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 134 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек адабиётидаги диний-маърифий шеърлар талқинига доир илмий-адабий қарашлар**» деб номланган бўлиб, у икки фаслни ўз ичига олган. «**Диний-маърифий мавзудаги шеърларнинг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши**» номли биринчи фаслида адабиётшунос олимларнинг мавзунинг ўрганилишига доир қимматли фикр-мулоҳазалари баён этилиб, ўтган давр мобайнида эълон қилинган катта-кичик тадқиқотлар тадқиқ этилди ва тизимлаштирилди.

Диний-маърифий мавзудаги шеърлар мазмун-моҳиятига, унинг минг йиллик анъана давоми ва алоҳида йўналиш сифатидаги такомилига, ўзига хос хусусиятлари тадқиқига мустақилликнинг дастлабки йилларидан бугунги кунга қадар ўзбек адабиётшунослари томонидан эътибор қаратилиб келинмоқда. Ишда ушбу мавзу бўйича ўзбек мумтоз ва замонавий ўзбек шеърляти бўйича тадқиқотлар олиб борган ўзбек олимларининг илмий асарларига муносабат билдирилди.

Адабиётшунос олим Нўъмон Раҳимжонов XX аср ўзбек шеърияти ҳақида фикр билдирар экан, бадий тафаккурнинг алоҳида босқичига айланган шеърларнинг бадий мукамаллиги учун, яъни “мафкуралашган асарларга илоҳий ишонч-этиқод етишмас эди”, деб таъкидлайди. Асарларнинг ўз кадр-қимматини йўқотишига асосий сабаб – “улар Худони унутган эди”, деган изоҳларни келтиради. Минг йиллик ўзбек шеъриятининг азалий ўзанларига қайтганини ва замонавий ўзбек шеъриятига илоҳий рух кириб келганини таъкидлайди<sup>7</sup>.

Дарҳақиқат, глобаллашув давридаги ижод иқлимининг ўзгариши, ижодкор ифода йўсинидаги турфа хиллик, жанрлараро синтезлашув жараёнларининг юзага келиши, замонавий жаҳон адабиёти андозаларининг мумтоз адабиёт билан омухталашиб, янгича шакл-шамойил касб этиши ижодкордан алоҳида иқтидор талаб қилди. Айни пайтда бу давр адабиётига, хусусан, шеъриятига диний мотив кириб келганлиги алоҳида диний-маърифий йўналишни тақозо эта бошлади.

Бу борада филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов диний-маърифий мавзудаги адабиётни ўрганишнинг янгича тадқиқот усуллари юзага келаётганини бир қанча мисоллар орқали асослаб, ушбу йўналишдаги мавзуларни шарҳлашни “диний-тасаввуфий таҳлил методи” деб номлаш таклифини беради. Ушбу мавзуга доир сўнгги йилларда олимларимиз томонидан амалга оширилган муҳим тадқиқотларни санаб ўтади<sup>8</sup>. Дарҳақиқат, олим илгари сураётган фикрлар бугуннинг долзарб вазибаларидан саналади. Чунки ирфоний мавзудаги адабиётни тасаввуф фалсафасисиз Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан пухта билимга эга бўлмасдан таҳлил этиш ўзини оқламайди.

Диний-маърифий мавзуда шеърлар ёзган Фозил Зоҳид ижоди ҳақида айрим адабиётшунослар ёзган фикрлар эътиборга лойиқ, албатта<sup>9</sup>. Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов “эллиқ ҳадис моҳиятини бетакрор бадий ифодалаган”<sup>10</sup> Абдулла Ориповнинг диний- маърифий мавзудаги шеърияти, Сирожиддин Саййид ижодидаги ирфоний рух, муборак ҳадислар таъсирида вужудга келган шеърларига алоҳида тўхталиб ўтган<sup>11</sup>.

Мустақиллик даврида яратилган диний-маърифий мавзудаги шеърларнинг бадий талқини масаласида Тоҳир Шермуродовнинг ҳам қарашлари эътиборлидир. Адабиётшунос олим истиқлол ижтимоий ҳаётда халққа эътиқод эркинлигини берганлигини, минг йиллар давомида шеърият, адабиёт учун бош мавзу бўлиб келган - Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг чоп этилиши адабиётнинг қадимий ўзанларига қайтганлигидан дарак эканлигини эътироф этиб: “Янги ҳаётдаги ҳаётбахш насим шеъриятнинг боғларида ҳам эса бошлади. Бевосита чин эътиқодга

<sup>7</sup> Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 85.

<sup>8</sup> Каримов Б. Моҳиятга элтувчи йўл. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2018 йил 1 сентябрь.

<sup>9</sup> Каримов Б. Қакнус парвози // Рухият алифбоси. – Тошкент: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. Б.101. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2015. Б. 272.

<sup>10</sup> Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги адабиёт ва санъат, 2015. – Б.126-127.

<sup>11</sup> Ўша манба. – Б.163.

дахлдор шеърият пайдо бўлди”<sup>12</sup>, дейди. “Ҳаж дафтари” поэтикасини кузатар экан, шоирнинг ибодат шеъриятидаги услубий ўзига хосликлар, оригинал намуналарнинг борлигини таъкидлаб, “Ҳожилар”, “Шайтон”, “Каъбатуллоҳ”, “Пайғамбар”, “Фарзанд”, “Ибрат” каби шеърларига тўхталиб, ўз навбатида ўткир нигоҳ танқидчи шеърлардаги айрим жузъий нуқсонларни кўрсатиб ўтади. “Каъбатуллоҳ”даги шеърнинг ҳар бандида такрорланувчи “Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ” сатридаги мантиқнинг шикасталигини танқид қилади ва “Фарзанд” шеъридаги “Каъбага сиғинар экан кекса чол...” мисрасида “Каъбада” қабилда тузатилса, мазмун ўнгланади ва чарақлайди<sup>13</sup>, дея ўз мулоҳазаларини билдириб ўтади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «**Ўзбек адабиёти тарихидаги арбаъин жанри ва унинг замонавий шеъриятдаги кўринишлари**» деб номланган. Ушбу фаслда диний-маърифий мавзунини талқин қилган шоирларнинг шеърларида мумтоз анъаналар ўз ифодасини топгани, арбаъин жанри анъаналари янги давр шоирлари ижодида жанрий жиҳатдан янгиланган шаклда давом эттирилгани ҳақида сўз боради.

Шарқ адабиёти тарихидаги Имом Яҳё бин Шараф ан-Нававий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуронийларнинг “Арбаъин ҳадис”ларига адабиётшунослик, адабий манбашунослик асосида ёндашилган тадқиқотларга мурожаат этилди. Хусусан, матншунос олим Акрам Дехқонов, филология фанлари номзоди Бобоназар Муртазоев, манбашунос Малоҳат Пулатоваларнинг ишларига тўхталинди.

Шунингдек, “Жомий қаламига тегишли “Арбаъин ҳадис”ни буюк озарбайжон шоири Фузулий (1494-1556) ҳам озарбайжон тилига таржима қилган экан”<sup>14</sup>. “Озарбайжон адабиёти тарихи”даги Фузулий таржимасидаги китъаларни Жомий ва Навоий китъалари билан таққослаган филология фанлари номзоди Бобоназар Муртазоев Жомий “Арбаъин ҳадис”ининг ижодий таржимонлари Навоий ва Фузулий таржималарида ҳадис мазмуни билан китъалар уйғунлигини солиштириб, улуғ шоирларнинг бошқа китъаларида ҳам муштараклик юқори даражада эканини ва шу билан бир каторда, Фузулий таржимасидаги баъзи китъаларнинг таққосида фарқлар юзага келганини таъкидлайди<sup>15</sup>.

Яна бир ёш тадқиқотчи Малоҳат Пулатова адабий манбашунослик йўналишида Жомий, Навоий ва Фузулий “Арбаъин” – “Чихил ҳадис”асарларидаги ҳадисларнинг шеърий талқинини қиёсий таҳлил қилган. У ўз тадқиқотида “арбаъин” атамаси этимологияси, қўлёзма нусхалари, Шарқ мумтоз арбаъиннавислари, ушбу истилоҳнинг мустақил жанр сифатида

---

<sup>12</sup>Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б.18.

<sup>13</sup> Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б.30.

<sup>14</sup> Муртазоев Б. “Арбаъин ҳадис”нинг таржималарига доир // Таржима ва маданият: муаммолар, ечимлар ва стратегиялар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2020. – Б. 69.

<sup>15</sup> Ўша манба. –Б 70

форс-тожик ва ўзбек адабиёти замирида шаклланиши ва истиқлол давридаги қирқ ҳадис анъаналарининг давомчилари каби масалаларга тўхталиб, арбаъин жанрига Ўрта асрлар Шарқ адабиётидаги алоҳида адабий жанр деб қаралиши мақсадга мувофиқдир<sup>16</sup>», деган фикрларини баён этади.

Матншунос олим Акрамжон Деҳқонов ўз изланишлари жараёнида XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида яшаб ижод этган Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййирнинг форсий тилдаги Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуроний арбаъинини туркийга ўтирганини таъкидлайди.

Шунингдек, олим арбаъин анъанаси тарихи борасида тўхталиб, турк тадқиқотчиси Ҳасан Ҳусну Ардамнинг «Илоҳий ҳадислар» китобига ёзган «Ҳадисда арбаъин» номли мақоласига асосланиб, арбаъиннавислардан тўқсонга яқин муаллифнинг асари мавжудлигини келтириб ўтганини ва «Бу тадқиқотчи Абдурахмон Жомийни «Арбаъин» тузган муаллифлар қаторида зикр қилиб ўтади»<sup>17</sup> деган маълумотларни ёзади.

Истиқлол шарофати билан адабиётда, хусусан, шеъриятда ислом тасаввуфи манбалари кенг қулоч ёза бошлади. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида ҳам арбаъин анъанаси турли шаклу шамойилларда давом эттирилганини Абдулла Орипов, Жамол Камол, Фозил Зоҳид, Анвар Ҳожиаҳмад, Шукур Қурбон, Сирожиддин Саййид, Аъзам Ўктам, Нодира Афоқова, Ориф Ҳожи каби шоирлар ижодида кўришимиз мумкин.

Ушбу тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ҳам буюк арбаъиннависларимиз билан истиқлол даври ўзбек адабиётида диний-маърифий мавзуда ижод қилган ижодкорлар бадиий оламини тенглаштириш эмас, балки бу ижодкорларнинг ўзидан олдин ўтган салафларга ҳавасдан туғилган ижод намуналарига янгича мезонлар асосида баҳо беришдан иборатдир. Ҳатто, эътироф этаётганимиз - замонавий адабиёт вакиллариининг ижод намуналарини ҳам математик тил билан айтганда, бир координата текислигининг турли ўринларида жойлашган нуқталар деб тасаввур қилиш ҳақиқатга яқинроқдир. Бу ижод аҳлини фақат битта мавзу – диний-маърифий мавзу бирлаштиради, холос. Уларнинг шеърият майдонида ўзига хос овози, ўрни, услуби ва қарашлари бор, албатта.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, замонавий ўзбек шеъриятидаги диний-маърифий мавзуда ижод қилувчи шоирлар ижоди кузатилганида, шаклий жиҳатдан айнан мумтоз адабиётдаги арбаъинчилик анъаналарига мос келмаса-да, мазмун-моҳияти ҳадис маъноларини ўқувчига етказиш эътиборидан муштарак экани аниқ сезилади. Мумтоз арбаъин намуналари қитъа кўринишида келтирилган бўлса, замонавий адабиётдаги ҳадис мазмуни сингдирилган шеърлар шаклига кўра турли ҳажмга эгаллиги билан ўзига хослик касб этади. Қолаверса, «Арбаъин» жанрининг ўзбек адабиётидаги замонавий ривожини мумтоз шеърият даражасида бўлмаса-да, ҳар қалай ўша

---

<sup>16</sup> Пулатова М. Шарқ Мумтоз адабиётида «Арбаъин» ёзиш анъаналари. Филол.фан.б.фалс.док.дисс. автореф... – Тошкент, 2020. – Б.14.

<sup>17</sup> Деҳқонов А. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди. Филол.фан.номз.дисс... - Тошкент, 2007. – Б. 96.

мумтоз анъананинг давомийлиги сифатида эътиборга сазовор”дир<sup>18</sup>. Тадқиқотчиларнинг бундай эътирофлари замонавий ўзбек шеърлятидаги арбаъиннавислик илдизи мумтоз адабиётимизга бориб тақалишини кўрсатади. Шу билан бирга, диний-маърифий мавзуда ёзилган шеърлар кўлами кенглиги, шунингдек, ўзбек адабиётини шакл ва мазмунига кўра бойитиш ҳодисасига мустақиллик даври адабий сиёсий муҳитидаги сўз эркинлигининг ифодаси сифатида қараш ўринли бўлади. Тадқиқотнинг биринчи боби хулосасида айнан истиқлол берган сўз эркинлиги эвазига ўзбек адабиёти диний-маърифий мавзуда ёзилган шеърлар билан бойигани тўғрисида илмий умумлаша фикрлар баён қилинди.

Ишнинг иккинчи боби «**Диний-маърифий мавзудаги шеърлар жанр тавсифи ва тадқиқи**» деб номланган. Унинг «**Замонавий ўзбек шеърлятида диний-маърифий мавзунинг ёритилиш имкониятлари**» деб аталган биринчи фаслида шеърлар мазмунига сингдирилган диний тушунчалар талқини орқали ижодкорларнинг ўзига хос бадиий маҳорати акс эттирилган. Бу даврда яратилган бадиият намуналари орқали мустақиллик даври адабиёти ва адабиётшунослигининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш ҳамда давр адабий муҳитига баҳо бериш масалалари, истиқлол даври шеърлятидаги диний маърифий йўналишни, хусусан, арбаъинчилик анъаналарининг замонавий адабиётдаги диний-маърифий шеърлятга кўрсатган таъсири масалалари аниқланган.

Мустақилликнинг илк даврлардан бошлаб, шеърлятнинг мазмун-моҳиятида, асосий тасвирлаш объектида минг йиллик ўзбек мумтоз адабиётида асосий мавзу бўлиб келган ислоний-маърифий ғоялар ҳам акс эта бошлади. Бу даврда ижод қилган Абдулла Орипов, Фозил Зоҳид, Жамол Камол, Мирза Кенжабек, Асқар Маҳкам, Шуқур Қурбон, Анвар Ҳожиаҳмад, Сирожиддин Саййид, Абдул Жалил, Аъзам Ўктам, Нодира Афоқова, Ориф Ҳожи каби ижодкорларнинг битикларида Аллоҳни таниш, ҳаромдан ҳазар қилиш, нафсни тийиш, ҳақиқат ва адолатга интилиш мотивлари кучайди.

Адабиётда жаҳон бадиий тафаккурининг сара намуналари билан синтезлашув, жанрлараро синкретизм жараёнлари вужудга келган бир пайтда ўзбек шеърляти ўз заминидан узилмаган ҳолатда ифода шаклларини миллий руҳ ва мазмун билан пайвандлади.

Маълумки, истиқлол даври ўзбек шеърлятига ирфоний руҳ олиб кирган дастлабки ижодкорлардан бири Абдулла Орипов ҳисобланади. Халққа ҳар жиҳатдан яқин бўлган шоир ўз элининг кўнгил яраларига “малҳам”ни ўз вақтида топа билди. Истиқлол берган улкан имкониятлардан бири динга эътиқоднинг истиқлол кишиси кўнглида акс этиши, шоирнинг ҳикматлар билан йўғрилган шеърлятига эҳтиёж сизди. Мўъмин инсоннинг ахлоқ тамойиллари акс этган шеърлят шакли диний-фалсафий руҳни ўзида мужассамлаштирган “Ҳаж дафтари” туркуми шу тариқа дунё юзини кўрди.

---

<sup>18</sup> Пулатова М. Шарқ Мумтоз адабиётида “Арбаъин”ёзиш анъаналари. Филол.фан.б.фалс.док.дисс... автореф. – Тошкент, 2020. – Б.14.

Истиклол йилларида самарали ижод қилган шоир Фозил Зоҳиднинг ҳам шеърларида нафси тийиш, шайтон найрангларига учмаслик, ўлим ҳақлигига ишониш каби яссавийона ҳикматомуз руҳни ҳис этиш мумкин. Мумтоз адабиётшуносликнинг назарий мезонларига асосланиб айтганда шоир асарларининг негизида “Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор” ғояси туради. Шоирнинг нисбатан содда кўринган услубий ўзига хос мисралари ортида катта ҳаётий ҳикматлар яширингани сезилади. Унинг лирик “мен”и “висол манзили”га етиш йўлидаги заҳматлар ва бундай машаққатли йўлда шайх ва валийларнинг ибратини қалбга туймоқликни уқтирувчи инсон сифатида гавдаланади.

Замонавий ўзбек шоирлари истиклол даври берган имкониятлардан унумли фойдаланишди. Жумладан, шоир Шукур Курбон ўз эътирофига кўра дастлаб 40 та арбаъин ёзади<sup>19</sup>. Кейинчалик ёзилган 1600 ҳадис асосидаги “Ҳикматлар анжумани” тўплами 40 мажлисдан ташкил топган. Ҳар мажлиснинг ўзи ҳам 40 ҳадисни шарҳлаган тўртликлардан иборат.

Кейинги йилларда диний-маърифий мавзу, тасаввуфна талқинларга ҳавасмандлик истеъдодли шоир Мирза Кенжабек ижодида ҳам кузатилди. Бундай янгиланган руҳ шоирнинг ички оламидан дарак беради. Унинг шеърларидаги насиҳатгўй лирик қаҳрамон чин орифлик мақомларини яхши билган инсон қиёфасида гавдаланади. Шоир ҳадисларда келган маъноларни шеърга солади.

Асқар Маҳкам ҳаёти ва ижодини ўрганиш юзасидан мукаммал монографик тадқиқотлар ҳалигача майдонга келгани йўқ. Шоир ижоди ҳақида хотира мақолалар ҳам бармоқ билан санарлидир. Дейлик, Хуршид Даврон, Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим, Набижон Боқий, Абдуллоҳ Зухур ва бошқа ижодкорлар ўзларининг турли мақолаларида шоир ижодига қайсидир маънода муносабат билдиради<sup>20</sup>. Ушбу мақолалар шоирнинг ҳаёти ва ижодига чизгилар ҳисобланади. Асқар Маҳкамнинг диний-маърифий мавзуда ёзган “Таважжуҳ”, “Ишқ”, “Тўрт дарвиш”, “Фотиҳа” каби дostonларига қайсидир маънода ўзбек адабиётшунослари ўз тадқиқотларида баҳо ҳам беришди<sup>21</sup>.

Шоир шеърларини ғоявий жиҳатдан ҳам икки катта мавзуга ажратиб таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. Шоир биографияси билан боғлиқ хотирот шеърлар.
2. Шоирнинг оламга муносабатини акс эттирувчи фалсафий шеърлар.

Шоир Абдул Жалилнинг “Муборак муждалар” китобчаси ҳам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ҳаёти ва Исломи динига тарғиб қилишнинг машаққатли синовлари акс эттирилган воқеий шеърлар жамлангани билан

<sup>19</sup> Пулатова М. Шарқ мумтоз адабиётида “Арбаъин”ёзиш аънаналари. Филол.фан.б.фалс.док.дисс... автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 24.

<sup>20</sup> Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим. Руҳнинг сангин садолари // Маҳкам, Асқар. Ҳақ. – Душанбе: Адиб, 1998. – Б.5-15. Абдуллоҳ Зухур. Қаттиқ иймон шоири // Маҳкам, Асқар. Ҳақ. – Душанбе: Адиб, 1998. –Б.498-501. Хуршид Даврон. Осмонга талпинган шоир // Маҳкам, Асқар. Ваҳдат куйи. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – Б.3-11. Набижон Боқий. Одамнинг изтироблари. // Маҳкам, Асқар. Ваҳдат куйи. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – Б.362-366.

<sup>21</sup> Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг таракқиёт хусусиятлари: Филол. фан. док. дисс... –Тошкент, 2016;



эътиборга молик. Китобча, муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек: “Муҳаммад алайҳиссалом мўъжизалари”нинг шеърий баёнидир.

Хусусан, Фозил Зоҳид шеърларидаги ҳикматгўйлик, Асқар Маҳкам талқинларидаги рамзийлик, Абдул Жалил шеърларидаги тарихга мурожаат, Аъзам Ўктам шеърларидаги ҳадисларни шеърга солиш ҳолатлари, Шукур Қурбоннинг кенг ҳажмли шеърий туркуми моҳият эътибори билан мустақиллик даври ўзбек шеърлятида диний-маърифий мавзунинг кўламини, поэтик талқин имкониятларини ўзида мужассам қилади.

Иккинчи бобнинг «**Диний-маърифий шеърларнинг жанр хусусиятлари**» деб аталган фаслида ижод намуналарининг жанр тавсифига тўхталинган.

Истиклол давридаги адабиёт, хусусан, шеърят жаҳон адабиётининг илғор намуналарини пухта ижодий ўзлаштириш, жанрлараро бадиий уйғунлашув ҳодисасининг кучайиши натижасида юзага келди. Бу даврдаги диний-маърифий мавзудаги шеърларнинг жанр тавсифи турличалик касб этди. “Мустақиллик даврида шеърлятимизда жанр, тил ва услуб жиҳатидан ҳам қатор янгиликлар содир бўлди<sup>22</sup>. Ишда истиклол даври ўзбек диний-маърифий шеърляти мазмун ва шакл мутаносиблигида куйидагича таснифланиб, ўрганилди:

1. Қирқ ҳадис анъаналари акс этган шеърлар.

2. Диний-маърифий руҳдаги фалсафий шеърлар.

Дастлабки қирқ ҳадис анъаналари акс этган шеърлар тоифасига Жамол Камолнинг “Қирқ ҳадис илҳоми” (2018) туркуми, Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” (1992) туркуми, Шукур Қурбоннинг “Ҳикматлар анжумани” (2016), Анвар Ҳожиаҳмаднинг “Жаннат калити” (1994), Сирожиддин Саййиднинг “Яхшилик эскирмагай. Қирқ ҳадис // Сўз йўли” (2008), Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” (1998), Нодира Афоқованинг “Муҳаммад (с.а.в.) дедилар... Арбаъин туркуми // Бизнинг эра” (2019), Ориф Ҳожининг “Қирқ ҳадис ва бир ривоят” (2008) каби асарларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Гарчи, бу ижод намуналарининг айримлари шакл жиҳатидан айнан арбаъин анъаналарига мос келмаса-да, ҳадис мазмунини ўзида мужассам этганлиги билан аҳамиятлидир.

Диний-маърифий мавзуда ёзилган фалсафий руҳдаги шеърлар сирасига эса Фозил Зоҳиднинг “Сабр гули” (2013), Мирза Кенжабекнинг “Хушхабар” (2018), Асқар Маҳкамнинг “Ҳақ” (1998), Абдул Жалилнинг “Муборак муждалар” (2004) каби китобларидаги асарларини киритиш мумкин. Зеро, ҳар иккала таснифнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Қирқ ҳадис анъаналари Шарқ мумтоз адабиётига хос анъанавий арбаъинлар асосидаги, аксарияти шакл жиҳатидан ҳам бармоқ вазнининг тўртлик шаклида вужудга келган бадиият намуналаридир.

Биринчи тоифа шеърларини “арбаиннамо” деб аташ мақбулроқ ҳолат, негаки бу шеърлар айнан арбаъин жанрига даъво қилмайди.

<sup>22</sup> Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б.79.

Тўртлик шеърий шакли қадимдан мавжуд бўлиб, бугунги шеъриятда ҳам энг кўп тарқалган шеърий шакллардан бири саналади. “Тўртлик – жаҳон халқлари шеъриятидаги энг машҳур, кўп қўлланиладиган шеърий шакл ҳисобланади”<sup>23</sup>. Л.И.Тимофеев ва С.В.Тураевлар томонидан тузилган ва нашрга тайёрланган “Адабиётшунослик терминлари луғати”да ҳам ушбу жанрга тўхталиб ўтилган<sup>24</sup>.

Тўртлик шеърий шаклда ёзилган диний-маърифий шеърлар ўз ихчамлиги билан ажралиб туради. Жамол Камолнинг “Қирқ ҳадис илҳоми” ҳам тўртлик шаклида ёзилган:

Нафс итига бўл ҳазирким, йўлларингда увлагай,  
Бир оғиз солса, ўшал дам борлигинг вайрон эрур.  
Қай тарафга қочмагил, қолмас изингдин, қувлагай,  
Ки арслондин қутулмоқлик сенга осон эрур...<sup>25</sup>

Кўриб турганимиздек тўртлик а-б-а-б тарзида қофияланган. Шоир шундай мазмун ва шаклга эга бўлган қирқ тўртликнинг ҳар бирини рақамлаган. Шу тўртликлардаги қофияланиш тартибини куйидаги жадвалда акс эттирдик:

Қофияланиш тартиби	<i>а-б-в-б</i>	<i>а-б-а-б</i>	<i>а-б-в-а</i>	<i>а-б-в-г</i>
Тўртлик сони	21	16	1	2
Тўртлик рақами	1, 2, 4, 5, 7, 8, 10, 12, 15, 17, 18, 20, 27, 28, 30, 35, 36, 37, 38, 39, 40	3, 9, 11, 13, 14, 16, 19, 21, 23, 24, 25, 26, 29, 32, 33, 34	31	6, 22

Мустақиллик даври ўзбек миллий шеъриятида ирфоний ғоялар билан суғорилган асарлар, яъни шартли равишда “Қирқ ҳадис анъаналари акс этган шеърлар” номи остида аталаётганларининг барчаси тўртлик шаклида эмас.

Расул жавоб қилди: / - Тингла биродар, 6+5=11

Гапимни уч бора / қулоққа илгил. 6+5=11

Имкон топа олсанг / дунёда агар, 6+5=11

Энг аввал онангга / яхшилик қилгил! 6+5=11

Ушбу шаклни XX аср ўзбек шеъриятида шакл жиҳатидан трансформацияга учраш натижасида вужудга келган “қитъайи” жанри деб олсак тўғри бўлади. Бу жанрни адабиётшунос олим У. Тўйчиев қитъа асосида юзага келган жанр сифатида қайд этади<sup>26</sup>.

Сирожиддин Саййиднинг “Яхшилик эскирмагай. Қирқ ҳадис” туркумидаги шеърлар маълум бир жанр асосида яратилмаган. Шоир ҳар битта ҳадис маъноси билан йўғрилган шеърни турли шаклда битган. Қирқ шеър ичида энг кўп учрагани саккизликлар ҳисобланади. Кўпчилигида

<sup>23</sup> Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 338.

<sup>24</sup> Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 123.

<sup>25</sup> Жамол Камол. Шеър санъати. Сайланма. IV жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018 – Б.436.

<sup>26</sup> Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.232.

мисралардаги бўғинлар миқдори тенг эмаслиги туфайли ушбу шеърни геферометрик<sup>27</sup> шеърлар сирасига киритамиз.

